

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

*Осиё халқаро университети магистранти
Ахмедова Гавҳар*

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчиларни миллатлараро мулоқотни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари, глобаллашув жараёнлари, бағрикенглик, толерантликни ривожлантириш, ўқувчиларни ўзаро ҳурмат, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: миллатлараро муносабат, миллатлараро мулоқот маданияти, кўп миллатлилик, компетенция, глобаллашув.

Аннотация: В данной статье освещаются педагогические особенности формирования межнационального общения, процессы глобализации, развития толерантности, воспитания учащихся в духе взаимоуважения, религиозной толерантности, межнационального согласия.

Ключевые слова: межэтнические отношения, культура межнационального общения, многонациональность, компетентность, глобализация.

Abstract: In this article, pedagogical features of formation of inter-ethnic communication, globalization processes, development of tolerance, tolerance, education of students in the spirit of mutual respect, religious tolerance, inter-ethnic harmony are covered.

Key words: inter-ethnic relations, culture of inter-ethnic communication, multinationality, competence, globalization.

Ўсиб келаётган ёш авлодни инсонийлик руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон жамиятида яшовчи кишилар орасида инсоний муносабатларни шакллантириш бугунги кунда педагогика фанининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда дунёвий, умуминсоний анъаналарни ҳисобга олиш, ўзбек халқининг миллий қадриятларига таяниш учун кўпмиллатли Ўзбекистон жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш лозим.

Ўзбек халқи ҳаётини демократлаштириш, таълим тизимини инсонпарварлаштириш ва миллий босимларнинг кучайиши шароитида ўқувчиларга миллатлараро инсоний муносабатларни сингдириш ўзига хос долзарблик касб этмоқда.

Таълим муассасасидаги кўпмиллатли ўқувчилар жамоаси орасида инсоний муносабатлар ва алоқаларни шакллантириш жамият ҳаётини соғломлаштиришнинг муҳим шартидир. Ўзбекистонда яшовчи халқларда ўз-ўзини англашнинг кучайиши ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш вазифасини янада долзарблаштирамоқда. Бу Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократлаштириш билан бевосита боғлиқдир. Мазкур муаммони ечишда умумий ўрта таълим муассасалари алоҳида ўринга эга.

Айнан умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчи шахсини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар негизида ёш авлоднинг ахлоқий қиёфасини шакллантириш, уларнинг объектив борлиқ билан муносабатини кенгайтириш орқали микросоциумга тайёрлашга ҳаракат қилинмоқда. Чунки жамиятнинг юксак маданиятли, билимли ва инсонпарвар аъзоларини тарбиялаш унинг ҳаётини соғломлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Худди шундай кишиларгина кўпмиллатли жамиятда муваффақиятли яшаб, фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўладилар. Нафақат ўзининг миллий маданиятини билувчи, уни ҳурмат қилувчи, балки бошқа халқлар маданиятини ҳам қадрлайдиган, уларни ўз миллий маданий бойликлари билан уйғунлаштира оладиган, байналмилаллик кўникмаларига эга бўлган ёшларни шакллантириш жамият эҳтиёжига айланмоқда.

Мулоқот – ўзаро бир-бирини тушуниш, фикр алмашиниш, алоқа ўрнатиш, ахборот алмашиниш, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш демакдир.

Миллатлараро мулоқот эса, турли миллат вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши, муносабатга киришиши, фикр ва ахборот алмашинишидан иборат жараёндир. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларни ёшлигидан бошлаб миллатлараро мулоқотга тайёрлаш лозим. Чунки Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлиб, унда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида турли миллат вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб фаолият кўрсатиши қонуний қафолатланган. Чунончи, Конституциянинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»¹, деб таъкидланган.

Дарҳақиқат, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлган долзарб масала ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2008. – Б. 4



Тарихий тажрибалардан шу нарса маълумки, турли миллат вакиллари бир-бирлари билан ўзаро мулоқот ўрнатганлар, бунинг учун эса бир-бирларининг маданиятлари, кадриятларини ўрганганлар, кадриятларга асосланган дўстона муносабат йўлга қўйилган.

Миллатлараро мулоқот масаласи сўнги йилларда тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Мулоқотнинг асосий мақсади – субъектларнинг мақсадга мувофиқ тарзда билвосита ҳамкорлигини амалга оширишдан иборат. Таълим жараёнида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш коммуникация мазмуни ва коммуникация моделини аниқлашни тақозо қилмоқда.

Мулоқот жараёни субъектлари турли миллат вакиллари бўлган ўқувчилар, ижтимоий гуруҳлар, умуман жамият аъзолари бўлиши мумкин. Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёнига уч нуқтаи назардан ёндашиш лозим: макро, миди ва микро даражалар. Макродаражада мулоқот субъекти сифатида турли миллат вакиллари бўлган ўқувчиларнинг ижтимоий гуруҳлари, жумладан, «Камалак», «Камолот» каби болаларнинг ижтимоий гуруҳлари иштирок этишлари мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятида кадриятларга асосланган муносабатлар ривожланмоқда. Бундай шароитда ўқувчиларнинг ҳаёт фаолияти, унинг ижтимоийлашуви ўртасидаги инсонпарварлашув ва педагогиклашув имкониятлари кенгайди. Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг мидидаражаси таълимнинг бутун синф жамоаси ёки кичик гуруҳлар аъзоларига миллатлараро мулоқотга киришиш йўллари ўргатишдан иборатдир. Бундай ишчан ва кўп қиррали ижодий мулоқот йўллари ўқувчиларнинг турли миллат вакиллари билан мулоқотга киришиш имкониятларини кенгайтиради. Ўқувчиларда миллатлар маданияти, уларнинг моҳияти, сиёсий-ижтимоий, маданий вазифалари ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилинади. Шу билан бир қаторда, уларга мамлакатимиз ва хорижда илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар, кашфиётлар ва тажрибалар, маданий янгиликлар, кадриятлар ҳақида маълумот берилади.

Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг микродаражаси турли миллат вакиллари бўлган икки субъект даражасида намоён бўлади. Уларнинг мулоқоти натижасида ҳар икки миллатга мансуб бўлган маданиятлар ва кадриятларнинг моҳияти англанади. Уларнинг коммуникатив фаолиятида маънавий ҳамкорлик ўзаро бир-бирларини тушуниш учун шароит яратади. Мазмун жиҳатдан коммуникатив ёндашувда икки миллат вакиллари ўртасидаги

сухбатда ниҳоятда муҳим бўлган мулоқот ёрдамида ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик амалга оширилади.

Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда юқори даражадаги коммуникатив маданият қарор топади. Уларнинг бир-бирларини тушунишлари осонлашади. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёнини ўзи ўқитаётган ўқув предмети мазмунидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириши керак. Бундай ишланмалар доирасида ўқувчиларнинг коммуникатив ҳамкорлик моделларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда монологик ва диалогик мулоқот усулларидан кенг фойдаланиш мумкин. Мулоқотнинг монологик усули биргина ўқувчининг ягона фикр ва иродаси устунлигини намоён этади.

Маълумки, ўзаро ҳамкорлик субъект-субъект муносабатлари доирасида амалга оширилади. Мулоқотнинг ушбу модели ўқувчиларни миллатлараро ҳамкорликка тайёрлашда бир қадар қулайдир.

Мулоқотнинг диалогик модели ўқувчилар фикрларининг биргаликда намоён бўлиши, жараён субъектлари фикрларининг уйғунлашувидан иборатдир. Бу ўринда турли миллат вакиллари ўртасидаги диалог уларнинг бир-бирларини тушунишларини осонлаштиради. Жамиятда эса, мулоқотнинг диалогик модели ижтимоий жараёнлар, алоқалар ва ўзаро ҳамкорлик орқали жамият аъзоларининг турли ижтимоий йўналишлардаги иштирокини фаоллаштириш билан кечадиган ижтимоий-коммуникатив майдоннинг кенгайишига боғлиқ демократик тузумда намоён бўлади.

Таълим жараёнида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг диалогик модели шахсга йўналтирилган ёндашувнинг муҳим кўриниши сифатида баҳоланади. Инсон ривожланишининг муҳим мезони сифатида унинг фаоллиги ва микросоциумни ўзгартириш, ижодий имкониятини ривожлантиришда кўринади.

Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш натижасида уларнинг ўзаро фикр алмашилиши, турли миллий қадриятларни фаол ўзлаштиришлари таъминланади. Бунда ахборотнинг муайян билимлар ва маълумотлар сифатида узатилиши, таснифи, қайта ишланиши ривожланади ва айниқса, билимларни ўзлаштиришнинг янги даражасига эришилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz // - T.: O‘zbekiston, 2017. 1-tom, 46-bet.
2. Х.И. Юсупова. Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг назарий асослари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 16 бет.
3. Abduvaliev F.N. «Yoshlarning ta’lim migratsiyasi: ijtimoiy sabablari, strukturasi va holati» mavzusida dissertatsiya avtoreferati. Toshkent – 2021 yil, 5-bet.
4. Bekmuradov M.B. Zamonaviy boshqaruv sotsiologiyasi. Monografiya, Toshkent,
5. Qahhorova, G., & Ramazonov, J. (2023). AXBOROTLARNING TALABA YOSHLAR RUHIYATGA SALBIY TA'SIRINING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Бюллетень педагогов нового Узбекистана*, 1(4 Part 2), 23-25.
6. Djalolovich, R. J. (2023). NIKOH-OILA MUNOSABATLARI SHAKLLANISHINING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 3(3), 473-477.
7. Ramazonov Jahongir Djalolovich, & Xomidova Nodira Toyirjon qizi. (2023). TALABALARDA O‘ZINI IDORA QILISH MOTIVATSIYASI SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Uzbek Scholar Journal*, 18, 12–18. Retrieved from